*Матбуотимиз муаммоларига яна бир назар*

# ЮРАК ЁНМАСА КЎЗ ЧАҚНАМАЙДИ, СЎЗ ҲАМ

## ёки «тўртинчи ҳокимият»га нима етишмаётгани-ю, нима халақит бераётгани ҳақида мулоҳазалар

***Оммавий ахборот воситалари нега ҳаётнинг ичига чуқур кириб бормаяпти, нега ўткир танқидий мақолалар кам? Жамиятимиздаги иллатлар илдизи нега кескин фош этилмаяпти? Камчиликлар нега ўз вақтида рўй-рост очиб ташланмаяпти?..***

Президентимиз Самарқанд ва Навоий вилояти халқ депутатлари кенгаши сессияларида шу каби ҳақли саволларни ўртага ташладилар. Куйиб-ёниб айтилаётган бу сўзлар, журналистларга билдирилаётган юксак ишонч менимча, кўксида озгина бўлса-да, ғурури бор ҳар бир ижодкорни ўйлашга, изланишга даъват этаяпти. Очиғи, матбуотимиз шаънига қаратилган бундай танқид ва талабларни биринчи бор эшитаётганимиз йўқ. Юртбошимиз бошқа йиғинларда ҳам «тўртинчи ҳокимият» жамоатчилик фикрини шакллантиришда етакчи куч бўлиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаб келмоқдалар.

Нафақат юртбошимиз, балки оддий одамлар ҳам газеталар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларимиз ҳақида ўз эътирозлари, таклиф ва истакларини билдирмоқдалар. Лекин бу «демак, оммавий ахборот воситаларида умуман ўзгариш, янгиланиш бўлмаяпти экан-да», дегани эмас, албатта. Аввало, шуни айтиш керакки, бугунги матбуотнинг йўналиши, мақсади, ғояси кечагисидан мутлақо фарқланади. Президент айтганларидек: **«... Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият кўрсатмоқда».**

Дарҳақиқат, мустабидлик даврида бош мавзу нима эди-ю, бугун нималар ҳақида гапириш ҳуқуқига эга бўлдик? Ватан, Миллат, Озодлик тўғрисида бугун баралла айтаётганларимиз учқунини кеча айта олармидик?! Мустақиллик шарофати билан тузум ўзгарди, ҳаёт ва ҳаётга муносабат ўзгарди. Табиийки, матбуотнинг бугунги вазифаси ҳам, Миллий матбуотимизнинг вазифаси ҳам Ватанимиз, Халқимиз Миллий манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ.

Оммавий ахборот воситалари ана шу улуғ мақсад йўлида фаолият кўрсатмоқда. У айрим ҳамкасбларимиз айтаётганидек, «аниқ талаблардан» ҳам, «равшан мезонлардан» ҳам чекинаётгани йўқ. Изланишлар, ҳаракатлар бўлаяпти, жон куйдириб, сидқидилдан ишлаётган муҳаррирларимиз, журналистларимиз талайгина. Соҳамизда эришилаётган камтарона ўзгаришлар, тўғрисини айтиш керак, айнан ана шу бир гуруҳ фидойи ҳамкасбларимиз ҳисобидан бўлаяпти.

Аммо мунтазам янгиланиб бораётган ҳаётда матбуотимиздан одамларнинг кўнгли тўлмаётганлиги бор гап. Матбуотимиз қаддини кўтариб, қанот ёзиб кетиши секин кечаяпти. Бунинг бевосита биз журналистлар фаолияти билан боғлиқ асосий сабаблари нимада?

**Биринчидан**, туман, вилоят ва республика газеталари орасида ҳамон ўз йўли, шакли-шамойилини тополмаётганлари оз эмас. Макетлар бир хиллиги, жонсиз суратлар, чучмал ва даққиюнусдан қолган сарлавҳалардан ҳамон қутула олмаяпмиз.

**Иккинчидан**, айрим газеталаримиз ўз мавзуси ва мақоми бир четда қолиб, бошқа мавзулардаги мақолалар, баъзан олди-қочди хабарларга кўпроқ ўрин бермоқда. Аниқ дастур, концепция йўқлиги шундоққина сезилиб туради. Натижада мавзулар бир хиллиги, ўхшашлиги давом этаяпти.

**Учинчидан**, деярли барча нашрлар, радио ва телевидениеда одамлар меъдасига тегиб кетган расмий, сунъий тил ҳамон устунлик қилиб келаяпти. Собиқ шўро даври матбуотидан қолган бу услуб тоталитар тузум мафкураси тарғиботи учун яратилган эди. Бу тил камчиликларни одамлардан яшириш, уларни ҳаётий ҳақиқатдан чалғитиш, ўша мустабид тузумни, унинг «даҳо»ларини олқишлаб, кўкларга кўтариш учун хизмат қиларди.

**Тўртинчидан**, менимча, энг муҳими, журналистларимизда, янги даврни англаш қобилияти, мустақил фикр, ташаббускорлик етишмаяпти. Ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги, ўткир танқидий чиқишлар камлиги рост, бюрократлар, оёғи ердан узилган раҳбарлар ва уларнинг жамият тараққиётига ғов бўлаётган хатти-ҳаракатларига нисбатан муросасиз кураш олиб борилмаётгани ҳам. **Одамлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб тополмаган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишни сўраб мурожаат қилганда ёрдам ололмаган матбуотдан ҳеч қачон рози бўлмайди.** Қисқача айтганда, ҳаётнинг ичига кириб бориш, ижтимоий муаммоларни дадил кўтариш, уларнинг ечимини излаш ва аниқ таклифларни билдириш учун **билим, малака,** иллатларни фош этиш, ҳақиқатни ёритиш йўлида **жасорат**, миллий манфаат учун **фидойилик** етишмаяпти, деган хулосаларда асос бор. Назаримда, матбуотимиз янги давр вазифалари, муаммолари уммонида муз қатламларини қийинчилик билан ёриб ўтаётган кемага ўхшайди!

**Оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳақида гап кетса, ҳамкасбларимиз асосан икки тарафга бўлинишади. Бир тоифа журналистлар камчиликларни асосан ўзларидан ахтаришади, иккинчи бир гуруҳ эса айбни кимларгадир боғлайди**. Улар фикрича, «қуйиб берилса, қотириб ёзишлари мумкин», лекин гоҳ бош муҳаррир, гоҳида муассислар ёки аллақандай амалдорлар тўсқинлик қилишади. Тўғри, бу шикоятларда ҳам жон бор. Аммо кузатишлар ва таҳлиллар асосий сабаб бунда эмаслигини кўрсатмоқда. Масалага чуқурроқ ёндошилса, бошқа қатор муаммоларга дуч келамиз.

Собиқ иттифоқнинг парчаланиши унинг ҳудудидаги республикалар ҳаётинигина эмас, балки бутун дунёни, халқаро муносабатларни ўзгартириб юборди. Ана шу дунёвий ўзгаришлар, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги янгиланишлар журналистлардан ҳам янги фикр, янги тафаккур ва янги муносабатларни талаб қилаяпти. Бугун биз қандай давлат қураяпмиз? Нега бозор иқтисодиёти йўлини танладик? Ҳуқуқий-демократик давлат нима дегани? Фуқаролик жамияти-чи? Бундай жамиятда давлатнинг вазифаси нимадан иборат? Биз у ёки бу қонунни, қарорни нега кеча эмас, балки айнан бугун қабул қилдик?..

Биз марксизм, ленинизм ғоялари билан тарбияланган, тоталитар тузумнинг сохта ғоялари билан яшаб, бир қолипда ёзиб келган журналистлар ва ҳали муайян тажриба тўплашга улгурмаган ёшлар — бу каби саволлар қаршисида довдираб қолаётганимиз ёлғонми?

Давлат сиёсатининг асл мақсади ва туб моҳиятини яхши англамаслик, бозор иқтисодиётига ўтиш ва демократик ислоҳотлар жараёнидаги табиий муаммоларни идрок этолмаслик оқибатида чалкаш фикрлар гирдобида талпиниб ётмаяпмизми? Ёзаётганларимиз эътирозларга сабаб бўлаётганининг бош сабаби ана шунда эмасми?!

Фикримизни республика нашрларида учраган айрим мисоллар билан асослайлик...

Мухбир узоқ вилоятдаги бир қишлоққа ўз шахсий юмуши билан борган экан. Танишининг момоси икки ойдан буён нафақа пулини ололмаётганидан шикоят қилибди. Онахоннинг давлатдан гиналарига асосланиб, мухбир «мақолача» ёзибди. На аниқ макон, на шикоятчининг исми-шарифи кўрсатилган. Маъно эса битта: қарияларга нафақалар вақтида берилмаяпти! Нафақалар қаердан ажратилади, қайси идоралар орқали эгасига етиб боради? Қайси ташкилотнинг, кимнинг айби билан ўз вақтида берилмаган? Масаланинг бу асосий жиҳатлари журналистни қизиқтирмайди. Агар мухбир буларни ўрганиб ёзганида ҳеч шубҳасиз, мақолани олқишлаш керак бўларди. Мухбир савобга ҳам қоларди. Бундай мақолани газетада бермаслик эса нафақат гуноҳ, жиноят ҳам ҳисобланарди.

Соддадил нафақахўр онахон ёки отахон учун бригадир ҳам, хўжалик раиси ҳам, милиция бошлиғи ҳам, туман ижтимоий таъминот бўлими ҳам бари бир — Ҳукумат! Лекин мухбир буни фарқлаши керак-ку.

Ўтган йили айнан нафақа масаласида республика радиосида бир эшиттириш берилди. Навоий туманидаги айрим нафақахўрлар ҳам ўз нафақаларини ойлаб кутадиган бўлиб қолишган. Лекин мухбир воқеани айтиш билан чекланмади. Унинг сабабларини очиб берди. Маълум бўлишича, Кармана алоқа бўлими бошлиғи ва бош ҳисобчиси айби билан нафақа пулларининг бир қисми бошқа харажатларга ишлатилиб юборилган. Натижада нафақалар ўз вақтида тўланмаган.

Бизда яна бир иллат бор. Ночор хўжаликлардаги ишчилар маош ололмаётганликлари ёки қишлоқларига газ келмаётгани ҳақида таҳририятларга шикоят ёзишади. Бу шикоятни ўрганмай, эълон қилиш ҳоллари учрайди ёки мухбир бориб «фактлар тўғри экан», деб қайтиб келади ва кўрганини ёзади. Муаммоларнинг сабаби хўжаликнинг иқтисодиётига бориб тақалиши, белгиланган режалар бажарилмай келинаётгани, хўжалик бўғзигача қарзга ботиб ётгани таҳлил этилса, одамлар гап қаердалигини англашарди. Маош олишмаётганликларига шахсан хўжалик раҳбари ва ўзлари ҳам айбдор эканликларини тушунишарди.

Баъзан оддий одамлар кўчада кетаётиб, қувур ўтказиш учун қачондир қазиб ташланган ўйдим-чўнқирга дуч келишса, «Ҳа, бу давлатга ҳам қойилмасман-да» деб қўйишади. Мухбир эса нари борса фалон кўчада фалон аҳвол, деб хабар беради. Бу иш қайси ташкилот зиммасига юклатилган, нега чала қолган, раҳбари ким... ўрганилса бундай мақола ўткир ва таъсирчан, самарали бўлади. **Ҳақиқий журналист нафақат деворни, балки девор ортини ҳам кўра билиши лозим**.

Яна бир гап: журналист халқи кўнгилчан бўлади. Ким биринчи бўлиб дардини айтиб «йиғласа», ўшанга раҳми келади, уни ҳимоя этишга киришади. Натижада ҳали дастлабки тергов ёки суд тугамасдан, ҳукм кучга кирмасдан туриб, ҳиссиётга берилиб у ёки бу томонни ҳимоя этиб, бир ёқлама ёзилган мақолалар пайдо бўлади... Бундай ёндошув қонунчиликка ҳам, демократияга ҳам мутлақо зидлигини ҳаммамиз ҳам англаб етмаяпмиз.

Энг ачинарлиси, хатони тан олиш, ўрганиш, хулоса чиқариш ўрнига «эркинлик берилмаяпти», дея аюҳаннос солаётганлар бор. Аслида бундай журналистлар ўн йиллаб ишлаётган бўлсаларда, ўтган замонда ҳам, ҳозир ҳам эл оғзига тушган бирорта мақола ёзмаган, телекўрсатув, радиоэшиттириш тайёрламаган.

Агар ўша мухбирларга фалон жойда ишга тушган янги корхона мамлакатимиз иқтисодиётига, тараққиётига, халқ турмушига келтирадиган фойдасини бир таҳлил этиб ёз, десангиз — ёзолмайди. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги муаммолар, иллатлар сабабларини ўрган, ёз, десангиз — уддасидан чиқолмайди.

Ўткир танқидий мақолалар нега камлиги ҳақида гап кетса, айрим бош муҳаррирлар ҳар хил амалдорлар таҳририят ишига аралашаётганини айтишади. Тўғри, аралашаётганлар бор, улардан баъзан ҳайиқилаётгани ҳам рост. Лекин ҳамма гап шундаки, бу ҳақда ошкор гапирилмайди, ёзилмайди. Бир бош муҳаррир курашиб ётса, бошқаси ортиқча ташвишдан ўзини олиб қочади! **Бунисн майли-я, баъзан бир газета кимнидир ёки қайсидир ташкилотни танқид этса, бошқа бири орадан ҳафта ўтмасданоқ ўша танқидга учраганларни мақтаб кўкка кўтаради. Деновдаги «Сурхонозиқовқат» корхонаси икки йил давомида баъзи газеталарда узлуксиз танқид қилинган бўлса, айни пайтда бошқаларида муттасил мақталди. Бундан мақсад нима, манфаат нима?!..**

Энди «ҳайиқиш» масаласига қайтайлик: журналистлар, бош муҳаррирлар ҳайиқишларига асос борми? Улар учун тазйиқ, хавф-хатар мавжудми? Холис танқид учун қайси журналистнинг бурни қонаган?

Аниқ мисолга ҳам, қўрқувга ҳам асос йўқ. Биринчидан, мамлакатимизда журналистни ҳимоя этувчи қонунлар яратилган. Иккинчидан, юртбошимиз матбуотнинг бош ҳомийси ва ҳимоячиси бўлиб турибдилар. Дадил, фаол, жасоратли, иллатларга муросасиз бўлишни талаб қилаяптилар. Ҳақиқатан шу ўринда бир ҳақиқатни тан олайлик: қайси мамлакат Президенти оммавий ахборот воситаларига шунчалик эътибор бераяпти? Қайси мамлакат Президенти ўз журналистларига «Нега матбуотимизда ўткир фельетонлар ёзилмайди? Нега ноқобил ишбилармонлар, порахўр ходимлар фош қилинмайди?» дея такрор-такрор мурожаат қилаяпти. «Нимадан қўрқасизлар, сизларни мен ҳимоя этаман», дейишгача бориб етаяптилар. Шу ўринда юртбошимизнинг раҳбар ходимларга қаратилган яна бир гапларини келтириш ўринли.

**«Сизларга очиқ-ойдин айтиб қўймоқчиман: бугун матбуотда холис бир танқид чиқса-ю, бирор ҳоким ёки амалдор эртага журналистни ер билан яксон қилиш пайида бўлса, тазйиқ остига олса, ундай ҳоким ҳам, амалдор ҳам узоққа бормайди. Шуни яхши эслаб қолинглар!»**

Энди ўйлаб кўрайлик, бундан ортиқ яна қандай ҳимоя керак, яна кимдан мадад керак?! Бу ёғи ҳар бир журналистнинг, бош муҳаррирнинг ўзига боғлиқ. Албатта, танқид асосли ва холис бўлмоғи керак.

**Сафар ОСТОНОВ,**
**журналист.**

**(Давоми келгуси сонда).**

---

# ҒАЛЛА ПАРВАРИШИГА ЭЪТИБОР

***Жиззахда қишлоқ хўжалик ходимларининг кузги-қишки агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш, ғаллани парваришлаш, суғориш ва озиқлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев олиб борди.***

**Йиғилишда кузги дон экиш якунланганн, 201 минг гектар майдонга барака уруғи қадалганлиги қайд этилди. Ғаллакорлар уруғни бир текис ундириб олиш, майсалатиш, мустаҳкам илдиз отишига эришиш учун парваришлаш ишларини бошлаб юбордилар. Кузда намгарчилик кам бўлганлиги сабабли экинни суғориш ва озиқлантиришга, минерал ва маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланишга жиддий эътибор берилаётир. Бу ишларни қисқа муддатда сифатли ўтказиш режаси ишлаб чиқилди.**

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

---

*Истиқлол қурилишлари*

# ДАШТ БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА







***Шу кунларда жадал давом этаётган Шўртангаз-кимё мажмуи қурилишини чинакам маънода мўъжизага қиёслаш мумкин. Умумий қиймати 1 миллиард 200 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ушбу йирик саноат мажмуи фойдаланишга топширилгач, мамлакатимиз саноатининг гултожларидан бири бўлиши, шубҳасиз. Чунки келажакда бу ерда пластмасса, полиэтилен сингари қимматбаҳо хомашёлар кўплаб миқдорда ишлаб чиқарила бошланади.***

Айни пайтда Шўртангаз-кимё мажмуи қурилиши ишлари жадал давом этаяпти. Полиэтилен ва этилен заводларидан иборат бўладиган иншоотнинг лойиҳадаги ер белгисини чиқариш учун дастлаб 1 миллион 79 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилди. Умумий майдони 3,8 гектардан иборат бўлган этилен заводи асосини яратиш мақсадида эса 305 минг куб метр тупроқ чиқариб ташланди ҳамда унинг пойдеворини қуриш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Шу мақсадда 18 чақирим масофадаги Жайрон карьеридан ҳар куни ўртача 8-9 минг куб метр ҳажмда қум-шағал аралашмаси юк машиналарида ташиб келтирилиб, ётқизилди. Ишнинг яхши ташкил қилинганлиги, қурувчилар ва ҳайдовчиларнинг уюшқоқлик билан ҳаракат қилганликлари боис бу борадаги юмушлар қисқа вақтлар ичида сифатли қилиб бажарилди. Этилен заводининг асосига 8,60 метр қалинликдаги жами 267 минг куб метр қум-шағал аралашмаси ётқизилди. Шу кунларда эса полиэтилен заводи асосида ҳам ишлар қизғин.

— Мажмуа қурилишида “Қаршиқурилиш”, “Ўзсувқурилиш” ташкилотларининг техникалари билан бир қаторда “Ўзавтотранс” Давлат акционерлик корпорациясининг қарийб барча вилоятлардаги бирлашмаларидан келган жами 600 та турли русумдаги юк машиналари ҳам иштирок этаяпти, — дейди “Қаршиқурилиш” трестига қарашли 13-механизациялашган ишлар бошқармаси бошлиғи Парда Узоқов. — Иш икки сменада ташкил этилган. Ҳайдовчилар зиммаларидаги вазифаларни кўнгилдагидек адо этишяпти. Айниқса, “Наманганттранс”, “Самарқандтранс”, “Қашқадарётранс” ва “Тошвилюктранс” бирлашмалари вакиллари ўз ишларини пухта бажаришиб, бошқаларга ўрнак бўлаяптилар.

— Шўртангаз-кимё мажмуи қурилиши бошлангандан буён шу ерда ишлаяпмиз, — дейди “Чироқчи-105” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти шофери Шодиёр Ўроқов. — Унумли меҳнат қилишимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Автокорхонамизга яқиндагина раҳбар бўлиб келган тажрибали мутахассис Ҳамидхон Раҳматуллаевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли зарур эҳтиёт қисмлар ҳам ўз вақтида етказиб берияпти. Натижада машиналаримизнинг ҳаммаси тўла қувват билан бир маромда ишлаб турибди. Мисол учун, ўзим ҳар сменада 7-8 улов юк ташиб, кунлик режани ошириб бажараяпман. Негаки, бу ерда қанча кўп ишласак, моддий манфаатдорлигимиз ҳам шунча юқори бўлишини яхши биламиз.

...Баркашдек қизғиш тусга кирган қуёш аста уфққа бош қўйди. Дашт узра қоронғулик пардаси қуюқлаша бошлади. Осмонда ҳам бирин-кетин юлдузлар жимирлади. Лекин кимё мажмуининг улкан қурилиш майдонида иш суръати заррача пасайгани йўқ. Майдонда ҳаракат қилаётган юзлаб машиналар чироқларидан таралган ёғду гўё замин бағрида порлаган беҳисоб юлдузларни ёдга солади. Маржондек тизилишиб, тартиб билан ҳаракат қилаётган бу чароғон “юлдузлар” инсоннинг яратиш, бунёдкорлик қудрати не-чоғли чексиз эканлигидан дарак берарди. Бундай ажиб манзарани завқланиб кузатар эканмиз, мустақил Ватанимизда содир бўлаётган буюк ўзгаришлардан кўнгилда яна бир бор фахр-ифтихор ҳиссини туйдик.



**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

***СУРАТЛАРДА: 1) илғор ҳайдовчи Раҳим Мўминов; 2) мажмуада тупроқ ишлари амалга оширилаяпти; 3) (чапдан) “Қашқадарётранс” ДАБ бошлиғи ўринбосари Салим Каримов, “Ўзавтотранс” ДАК юк ташиш бошқармаси бошлиғи Владимир Шестаков ва “Чироқчи-105” ОТҲЖ раиси Ҳамидхон Раҳматуллаевлар эртанги кун иш режаси ҳақида маслаҳатлашишмоқда.***

**Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар.**

---

# ОИЛАВИЙ ПУДРАТ САМАРАСИ

Балиқчи туманидаги “Чинобод” жамоа хўжалиги бу йил 382 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ўртача 35 центнердан ҳосил кўтариб мавсумни муваффақиятли якунлади. Келаси йил пахта экиш учун 440 гектар ер ажратилди. Унинг деярли 60 фоизи ҳозирдаёқ шудгордан чиқарилиб, сифатли озиқлантирилди. Ариқ ва бошқа сув йўлларини тозалаш ишлари бошлаб юборилди.

Айни вақтда ўтган хўжалик йили якунлари, икки бригадада оилавий пудрат асосида пахта етиштириш натижалари таҳлил қилиниб, келаси йили пахта етиштиришни тўла оилавий пудратга ўтказишга қарор қилинди. Барча майдонлар хоҳишга қараб 1-1,5 гектардан шартнома асосида хўжалик аъзоларига бўлиб берилди.

— Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йил туманимизда бўлган вақтларида, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Ш.Тошмирзаев,— шароитга қараб пахтачиликда ҳам оилавий пудратни кенг қўллаш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлаган эдилар. Бу усулнинг афзаллиги ғаллачиликда, айрим пахтачилик бригадаларимиз тажрибасида яққол намоён бўлди. Келаси йили пахта етиштиришда тўла шу усулга ўтишга бел боғладик.

**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 24 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 69,51 |
| 1 Австрия шиллинги | 9,11 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 179,68 |
| 10 Бельгия франки | 31,07 |
| 1 Голландия гульдени | 56,84 |
| 10 Греция драхмаси | 3,83 |
| 1 Дания кронаси | 16,87 |
| 1 БАА дирхами | 29,53 |
| 1 АҚШ доллари | 108,47 |
| 1 Миср фунти | 31,86 |
| 1 Ирландия фунти | 159,29 |
| 1 Исландия кронаси | 1,55 |
| 10 Испания песети | 7,54 |
| 100 Италия лираси | 6,48 |
| 1 Канада доллари | 70,21 |
| 1 Хитой юани | 13,10 |
| 1 Қувайт динори | 358,22 |
| 100 Ливан фунти | 7,23 |
| 1 Малайзия ринггити | 28,55 |
| 1 Германия маркаси | 64,12 |
| 1 Норвегия кронаси | 14,51 |
| 1 Польша злотийси | 31,37 |
| 10 Португалия эскудоси | 6,28 |
| 1 Сингапур доллари | 66,45 |
| 1 СДР | 150,83 |
| 1000 Туркия лираси | 0,36 |
| 1 Финляндия маркаси | 21,12 |
| 1 Франция франки | 19,13 |
| 1 Швеция кронаси | 13,45 |
| 1 Швейцария франки | 77,84 |
| 1 ЭКЮ | 125,99 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,87 |
| 10 Япония иенаси | 9,01 |
| 1 Россия рубли | 6,40 |
| 1 Украина гривнаси | 31,65 |
| 1000 Беларусь рубли | 1,50 |
| 1 Латвия лати | 188,97 |
| 1 Литва лити | 27,12 |
| 1 Молдава лейи | 13,70 |
| 1 Қирғизистон соми | 3,48 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

